*Фармон ва ижро*

# КРЕДИТ ҲИСОБИГА

## янги иш ўринлари

Президентимизнинг Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган Фармони шимолий минтақада тадбиркорлик тараққиёти учун кенг йўл очди.

Ҳозирги кунда Оролбўйи ҳудудида тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Масалан, Миллий банкнинг Урганч бўлими тасарруфидаги ўрта ва кичик бизнес субъектлари сони 4009 тани ташкил этади. Аҳил жамоа тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мавжуд заҳира ва имкониятлардан самарали фойдаланмоқда. Ўтган даврда ўз маблағидан 261 нафар мижозга 1202 миллиард сўмдан зиёд кредитлар берди.

Бундан ташқари, «Бизнес фонд» маблағи ҳисобидан 20 кишига 22,7, деҳқон-фермер хўжаликларига 4,7 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш» жамғармаси томонидан 10 мижозга 51,5 деҳқон-фермер хўжаликларига 36,1 миллион сўмлик имтиёзли қарз берилди.

Бўлим бошқарувчиси Эркин Отажоновнинг айтишича, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг «Тижорат банклари томонидан якка тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида»ги Низомига асосан бошланғич сармояни шакллантириш учун фермер хўжаликлари ва тадбиркорлардан 22 нафари 18 миллион сўмлик кредитлар билан қўллаб-қуватланган. Йил охиригача «Бизнес фонд» бошқармаси билан тузилган шартномага мувофиқ 20 миллион сўмлик кредит қопламалари ажратилади.

Ўтган даврда кредитлар ўзлаштирилиши натижасида халқ хўжалигининг турли тармоқларида 137 та янги иш ўринлари яратилди. Бултур «Фидокор» масъулияти чекланган жамиятга 49 миллион имтиёзли кредит ажратилган эди. Тадбиркор ушбу қарз ҳисобига технологик ускуналар, машина механизмлари келтирди. Айни кунларда ташкил этилган кичик заводда йилига 3 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилаяпти. 25 та янги иш ўрни яратилди. Жамият бир йилда 2 миллион сўм соф фойда олмоқда.

Султонназар Зиёвуддинов раҳбарлик қилаётган «Родник» масъулияти чекланган жамият пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Тузилган бизнес режага асосан банкдан 3 миллион сўмлик кредитлар олинди ва иш бошлаб юборилди. Ҳозирга қадар 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, савдо корхоналарига тарқатилди.

Бўлимда чет эл сармояларидан фойдаланишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Мисол учун, хорижий инвестиция иштирокида фаолият кўрсатаётган «Хоразм- Нуртоп» қўшма корхонасига 4,8 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Натижада янгидан 99 нафар кишининг ишлаши учун имконият яратилди.

— Тадбиркорлик учун кенг йўл очилган, — дейди Хива туманидаги «Муқаддам» хусусий фирмаси раҳбари Зарифбой Ибрагимов. — Хусусан, банкдан кредит олиб, соатига 11 минг дона музқаймоқ ишлаб чиқарадиган ускуналарни сотиб олдик. Айни пайтда 10 нафар ишчи корхонамиз тамғаси қўйилган сифатли маҳсулотларни тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб бераяпти.

**ЁЛҚИН.**



*«Қизилқумцемент» очиқ турдаги акционерлик жамияти республикамиздаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда 2310 нафар ишчи меҳнат қилади. Айни пайтда мамлакатимизнинг қурилиш иншоотларига сифатли цемент етказиб берилмоқда. .*

**Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

*2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили*

***Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури мамлакатимизнинг шимолий минтақаси — Қорақалпоғистон Республикасида ҳам изчил амалга оширилмоқда.***

# ЮЗ ЁШЛИЛАР ҲУЗУРИДА

«Нуроний» жамғармаси Беруний туман бўлими бу борада ибратли тадбирларни амалга оширяпти. Уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, ёлғиз кексалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаяпти. Уларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича корхона, ташкилот, муассаса ва ширкат хўжаликлари ҳомий этиб белгиланган.

Жамғарма раиси Жалил Муятдиновни шаҳарнинг «Бўстон» маҳалласида яшовчи Шарифа буви Бекпулатова хонадонида учратдик. Бу ерда маҳалла қўмитаси раиси Солий Йўлдошев ва туман бўлими раиси Йўлдош Камоловлар ҳам бор эди. Шу куни улар табаррук 100 ёшни қаршилаган Шарифа момога совға-салом топширдилар.

Шаҳар ва овулларда истиқомат қилаётган 17 нафар юз ёшли қарияга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Охунбобоев номли маҳалладан Қурбонбой Авезов, «Марказий» маҳалласидан Ўғилжон Қурбонниёзова каби уч аср гувоҳи бўлган кексаларнинг уйларига бориб улар ҳолидан хабар олинмоқда. 15333 нафар нафақахўрга 176 миллион сўмдан ортиқ маблағ тўланмоқда. Иккинчи жаҳон урушидан омон қайтган 177 нафар отахон, 2355 нафар меҳнат фахрийси ижтимоий ҳимояга олинган.

Кекса авлод вакиллари ёшларга бой касбий ва ҳаётий тажрибаларни ўргатиш билан бирга ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол қатнашаяптилар. «Шаббоз» ширкат хўжалигидан 81 ёшли Шариф бобо Ўразбоев 12 гектар майдонда мевазор боғ парваришлаяпти. 78 ёшли Жаббор оға Матниёзов Саркоп овулидаги «Хайрли бобо» қабристонини ободонлаштирмоқда. Олимбой Примов насос станциялари бошқармасига бошчилик қилаётган бўлса, Олимбой Ражабов ёшлар ўртасида тарбиявий мавзуларда суҳбатлар ўтказаяпти.

Тумандаги 125 нафар ёлғиз қария 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланаяпти. 5 нафар қарияга ногиронлик аравачаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда қўлтиқтаёқ ва эшитиш мосламалари етказиб берилди. 55 нафар кекса мамлакатимизнинг баҳаво жойларидаги санаторий ва оромгоҳларда соғлиқларини тиклаб қайтишди. 120 нафари эса Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларидаги тарихий-маданий ёдгорликларни зиёрат қилиб келдилар.

Ҳозирги ўтиш даврида жамғарма моддий базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Унинг тасарруфида 3 та хусусий ва 1 та унитар корхона ишлаб турибди. Ёрдамчи хўжаликлардан олинаётган фойда ҳисобига уруш ва меҳнат ногиронлари қўллаб-қувватланаяпти.

Жойларда 28 та жамоатчилик маркази бўлиб, шундан 16 таси маҳаллаларда иш олиб боряпти. «Дўстлик», «Шаббоз» маҳаллалари, «Саркоп» қишлоқ фуқаролар йиғини, Беруний номли ширкатлар уюшмаси жамоатчилик марказларининг ташаббуси билан ўтказилган «Уч авлод учрашувлари» ёшларда катта таассурот қолдирди.

Ташаббускорлик, фидойилик, ҳалоллик ва меҳр-саховат Оролбўйи қарияларининг доимий йўлдошидир. Улар «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг ҳамиша ардоғида.

**И. ИСОМУТДИНОВ.**

## БУЮРТМА КЎПАЙМОҚДА

Жиззах енгил саноат касб-ҳунар коллежининг кичик цехи фермер хўжаликлари буюртмаси асосида ишлай бошлади.

Ҳозирча бу ерда ҳар куни 40-50 жуфт пайпоқ тўқилмоқда. Бу маҳсулот бозордагидан 30-40 фоиз арзон, аммо сифатига кўра бошқаларникидан қолишмайди. Цехга аёллар халатларини тикиш учун ҳам буюртма тушди.

Коллеж маъмурияти аҳоли таклифини ўргана бориб, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ниятида. Бу, пировардида, икки жиҳатдан наф келтиради: ўқувчилар амалий тажриба орттиради, аҳоли эса зарур маҳсулотга эга бўлади.

**(ЎзА).**

## МУРАББИЙЛАР ИБРАТИ

**ёшларни шижоат кўрсатиб ишлашга даъват этмоқда**

Ўзбекистон металлургия комбинатида 300 нафар мураббий бўлиб, уларнинг фаолияти мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан мунтазам равишда кузатиб борилади. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси мураббийлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб, улар учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Бамаслаҳат амалга оширилган юмушлар ёшларнинг малака ва кўникмаларини янги поғоналарга кўтариш билан бирга айрим ҳаётий муаммолар ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда ҳам ёрдам бермоқда.

Бекободдаги ушбу комбинатда ёшларнинг 70 нафари олий билим даргоҳларини яқинда тугаллаб келган ёш мутахассислардир. Уларга ишлаб чиқаришда катта тажрибага эга бўлган устозлар баҳоли қудрат кўмаклашмоқдалар. Электр ёрдамида пўлат эритиш цехининг П.Агнивин ва Ш.Жамолиддинов, мартен цехининг қуювчиси Х.Саидқулов, энерготаъмирлаш цехи устаси М.Ғаффоров, катта уста В.Одилов, электр тармоқлари ва кичик станциялар цехининг устаси М.Шуваевлар маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ўтказилган кўрик-танловда ғолиб чиқиб, энг яхши мураббийлар номини олишга сазовор бўлдилар.

Айни кунда кўп миллатли жамоада мураббий сўзи ғурур ва ҳурмат билан тилга олинаяпти.

**Темур ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Инсон иродаси*

# СЕВИЛИБ ЯШАШ БАХТИ

Ҳаёт шундай бир дарёки, унинг шиддатли оқимига бардош берган инсонгина бу дунёда ўз бахтини топади, орзу-умидларини рўёбга чиқара олади. Бунинг учун инсон иродали, руҳан, тетик бўлиши керак. Ана шундай инсонлардан бири Ўрта Чирчиқ тумани, Кучлук даҳаси, Усмон ота кўчаси 5-уйда яшайди. Икки оёғи йўқ бўлишига қарамай, у ҳаётда ўз ўрнини топа олди. «Сардорбек - чевар» номи билан эл назарига тушди.

— Учинчи синфда ўқиётган пайтларим эди, - деб хотирлайди Сардорбек Деҳқонбоев. — Мактабга поезд йўли ёнидаги йўлдан қатнардик. Кунларнинг бирида мактабдан дўстларим билан уйга қайтардик. Шу пайт сигиримиз тобора яқинлашиб келаётган поездни парво қилмай, йўлида бемалол юриб борарди. Уни аранг поезд йўлидан ҳайдаб чиқардик. Шу пайт яқинлашиб қолган тепловоз орқамдаги сумкам боғичидан илиб кетди. Орадан қанча вақт ўтганлигини билмайман. Ўзимга келиб кўзимни очсам, онам бош томонимга қўйилган стулда йиғлаб ўтирибди. Кўзимни очганимни кўрган ойижоним пешонам,юзларимдан ўпиб:

— Ўғлим, хафа бўлма, бу ҳаёт тақдири. Ҳали тузалиб кетасан,-деди.

Шунда иккала оёғимдан ажралганимни тушуниб етдим...



Сардорбек ўртоқлари ва ўқитувчилари ёрдамида ўқишни давом эттириб, ўрта мактабни муваффақиятли тугатди. Туман ижтимоий-таъминот бўлими ходимларининг ёрдами билан Чилонзордаги Ижтимоий-таъминот вазирлигининг махсус мактабида ўқиб, эркаклар костюм-шими, пальто, куртка ва кўйлаклар тикишни ўрганиб олди. Тикув машинаси сотиб олиб, фаолиятини бошлади.

— Ўғлимнинг биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолганлигидан жуда хавотирда эдим, - дейди онаси Мастурахон. — Интилганга толе ёр, деганларидек, ўғлим тушкунликка тушмай, ҳаётга интилиб яшамоқда. Унинг бахтига ажойиб келинимиз унга кўнгил қўйди. Мана, эндиликда Нодира ва Сарварбек исмли бири-биридан ширин невараларим бор.

Суҳбатимизга Нигорахон ҳам қўшилди.

— Биз яшаб турган жой бир оз бўлса ҳам ичкарироқда, шунинг учун буюртмачилар камроқ келишади. Агар бирор бир корхона Сардорбек акамни ишга олиб, уйда кийим-бош тикиб беришга буюртма берса, ишимиз юришиб кетган бўларди. Чунки унинг тиккан кийимлари харидор талабига юз фоиз жавоб беради.

— Сардорбек тикиб бераётган кийимлар менга жуда ёқади, - дейди буюртмачи Шуҳрат Аширов. — Қаранг, фабрикада тикилганидан қаери кам. Ўзига хослиги ва фасонининг замонавийлиги билан ажралиб туради.

Бир буюртмачига ва бир Сардорбекка қараб, қўли гул чеварга тасаннолар айтаман. Уни бу ишга илҳомлантириб турган Нигорага ҳавасим ортади.

**Пардабой ЭРГАШЕВ.**

*Касаба уюшмаларидан хатлар*

***Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳаракат дастурида вилоят касаба уюшмалари кенгашлари меҳнаткашларнинг манфаатларини рўёбга чиқариши ва ҳуқуқий ҳимоялаш учун замин яратиши лозимлиги таъкидланган.***

# АДОЛАТСИЗЛИК ҚЎЛГА ҚАЛАМ ТУТҚАЗАДИ

Кенгашга келаётган мурожаатлар, қабулхонага ташрифлар диққат-эътибор билан ўрганилмоқда, ижро интизомига қатъий риоя этилмоқда. Бугунгача 89 та ёзма, 233 та оғзаки, жами 322 та мурожаатнома келиб тушди. Уларнинг аксарияти ўзининг ижобий ечимини топди.

Шу боис бу ер доим одамлар билан гавжум. Андижон темир йўллари ҳиссадорлик жамияти механика цехи ишчиси Маъмуржон Холматовни қабулхонадан чиқаётганда учратдик.

— Атайлаб миннатдорчилик билдиргани келдим, — дейди у мамнуният билан. — Касаба уюшмалари аралашуви билан ишга қайта тикландим. Маошимни вақтида оляпман, рўзғорим бут...

Воқеа бундай бўлганди. Маъмуржон касаллик варақаси билан шифохонада бир муддат даволаниб, соғлиғи тиклангач, эндигина ишга қайтганди. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини писанд қилмайдиган, мен раҳбарман, меники тўғри қабилида эскичасига иш юритадиган кимсалар, афсуски, ҳануз орамизда учраб туради. Улардан бири цехларни айланиб юрарди. Маъмуржонни кўриши билан салом-алик, ҳормабор бўл ўрнига оғзаки буйруқ билан уни ишдан четлатади. Илинж, қўллаб-қувватланишни кутиб касабақўмга мурожаат қилади, бошлиқларга учрашади. Ҳаракатлари, илтижолари уларнинг дийдасини юмшатолмайди. Хўш, оила, 2 нафар норасидасининг тақдири нима бўлади?

Адолатсизлик қўлига қалам тутқазади. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши номига ёзган арзномасида юрагида борини тўкиб солади: меҳнат муҳофазасига панжа орасидан қаралаётгани, меҳнат шароити ва имтиёзлардан фойдаланиш, ижтимоий ҳимоядаги қусурларни тилга олади.

Ариза ижросини таъминлашга дарҳол киришилади. Натижада ноқонуний фармойиш бекор қилиниб, мажбурий таътил учун ишчига ҳақ тўланади. Энг муҳими, жонажон ишхонасига қайтади.

Шаҳрихонлик Маслаҳаттепа қишлоғида яшовчи уч нафар фарзанднинг онаси Муаззамхон Абдуллаеванинг Бобочек маҳалла оқсоқолига болаларига нафақа тайинлаш ҳақидаги сўровномалари бекор кетди. Гапи ерда қолган онанинг сўнгги илинжи касаба уюшмаларидан эди... Мутасаддилар мадад қўлини чўздилар. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Эргашев билан ҳуқуқий мулоқот уюштирилди. Эндиликда М.Абдуллаеванинг эртанги ҳаётдан кўнгли тўқ. Нафақани узлуксиз оляпти.

Андижон шаҳар Жамбул кўчасида истиқомат қилувчи халқ таълими фахрийси Минавархон опа Ҳакимованинг Андижон шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасига сиҳатгоҳга йўлланма сўраб қилган мурожаатлари натижасиз қолаверди. Кенгаш бу ишга бош қўшгач, «Чортоқ»қа йўлланма қўлига тегди.

Ариза ва шикоятлар билан ишлашда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга таянган ҳолда иш юритилмоқда. Ҳар бир ариза рўйхатга олиш варақасида қайд этилади. Кенгаш раиси назоратидан ўтгач, унинг топшириғи билан бажарувчи шахсга йўналтирилади. Албатта ижро муддати белгиланади. Ижро ҳақида муаллифга ёзма жавоб юборилади. Муаммо ҳал бўлгач, бу ҳақда хат эгасининг маълумотномаси олиниб, юқоридаги варақага тиркалади. Шундан кейингина хат ҳаракатдан тўхтатилади.

Мурожаатлар билан ишлаш усули бугина эмас. Кенгаш биносида кеча-кундуз «Ишонч телефонлари» ишлаб турибди. Фуқаролар хоҳлаган пайтда уланиб, унинг ваколати доирасига кирадиган масалалар тўғрисида жавоб олишлари мумкин.

Меҳнаткашларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, айниқса, алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада вилоят прокуратураси билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда. Кенгашнинг ўзида Ўзбекистон Конституцияси, «Меҳнат Кодекси», Президент фармонлари, Олий Мажлис қонунларини ўрганувчи ўқув семинарлари мунтазам ўтказиб борилмоқда. Ҳафтанинг маълум кунларидаги машғулотларда тармоқ касаба уюшма қўмиталари раислари, бўлим мудирлари иштирок этишмоқда.

Кенгаш раёсати мажлисида меҳнат жамоаларида ўтказиладиган қонун ҳужжатларини тарғиб қилувчи дастур тасдиқланиб, изчил бажарилмоқда. Олтинкўл, Балиқчи, Шаҳрихон, Қўрғонтепа туманларидаги тармоқ касаба уюшмалари билан бўлиб ўтган савол-жавоблар, мулоқотлар ҳаммага манзур бўлди. Андижон шаҳар иқтисод коллежида талабалар билан «Менинг ҳуқуқим—менинг бурчим» мавзуидаги жонли мулоқот иштирокчиларда ёрқин таассурот қолдирди.

Меҳнат жамоаларида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилиши кутилган натижани бермоқда. Ижтимоий ҳимояга боғлиқ муаммолар иш ҳақининг тўланиши, меҳнаткашларни соғломлаштириш, соғлом, хавф-хатарсиз меҳнат шароити яратиш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиши кўрикдан ўтказилмоқда.

Юқоридаги таҳлилдан ҳам кўриниб турибдики, меҳнат қонунчилигини таъминлашда касаба уюшмалари фаолиятида муаммолар етарли. Вилоят савдо, умумий овқатланиш, агросаноат мажмуи, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари тармоқ касаба уюшмаларида иш ҳақидан қарздорлик, суғурта бадаллари тўловининг кечикишига барҳам берилмаётир. Шу боис мазкур тармоқ меҳнаткашларидан келаётган шикоятлар анчагина. Кенгаш раёсати айни кунларда ана шу масалалар ечимини топиш устида фаол иш олиб бормоқда.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**





*Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан*

# ОБИДАЛАРГА ЖИЛО БАҒИШЛАБ

Орзиқиб кутилаётган тантаналар яқинлашгани сайин шаҳар тобора кўрк очмоқда. Кенг ва равон кўчалар, хиёбонлар, салобатли бинолар беихтиёр бахри дилингизни очади.

Шаҳар ўзининг кўп йиллик тарихий ёдгорликлари билан хорижлик меҳмонлар, сайёҳлар назарига тушган. Дорут-тиловат мажмуаси ана шундай обидалардан бири. Мажмуанинг умумий майдони 3500 квадрат метр бўлиб, у «Кўкгумбаз» масжиди, «Шайх Шамсиддин Кулол», «Гумбази Саидон» мақбараларидан иборатдир. Ушбу ёдгорликлар таъмирдан сўнг янада гўзаллашиб, мафтункор тус олмоқда.

— Мажмуада жами 250 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилади, — деди «Мерос» ҳиссадорлик жамияти раиси Жавли Ҳайдаров. — Айни кунларда бу ерда 160 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

Обидаларга қайта жило беришда республикамизнинг турли бурчакларидан келган қўли гул қурувчилар, таъмирловчилар ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Самарқандлик усталар «Кўкгумбаз» масжидини асл ҳолига қайтаришаётган бўлишса, бухоролик қурувчилар йўлакларга плиталар ётқизишмоқда.

Меҳмонларни қабул қилиш учун «Шаҳрисабз» меҳмонхона мажмуаси ҳам жадал таъмирланаяпти. Оқсарой майдонида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Маданият саройи ўзгача кўриниш касб этди.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**
**Суратларда: Уста Ваҳоб Элмуродов иш устида.**

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИЛАДИ

(Боши 1-бетда)

ОТФ мамлакатимизда истиқлол йилларида спортни, хусусан, теннисни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг самарасини юксак баҳолаб, ана шундай юбилей-турнирга мезбонлик қилиш ҳуқуқини Ўзбекистонга берди. Бундан ташқари, қитъа чемпионати нафақат Марказий Осиё, балки Шарқий Осиёда биринчи марта ўтказилмоқда. ОТФ ва Ўзбекистон теннис федерацияси шу йилдан бошлаб уч йил давомида ушбу мусобақани юртимизда ўтказишга келишиб олди.

Шундай қилиб, 14 октябрдан эътиборан Тошкент теннис маркази кортларида Осиёнинг энг кучли ракетка усталари беллашади. Ҳозиргача 15 мамлакат спортчилари биринчиликда қатнашиш истагини билдирган. Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида бўлаётган Осиё ўйинлари якунлангач, Тошкентга келадиган жамоалар сони кескин ошиши кутилмоқда.

Мусобақа қоидаларига биноан ҳар бир мамлакатдан иккитадан теннисчи қатнашади. Мезбон давлатга берилган имтиёзга кўра Ўзбекистон тўртта теннисчи - Олег Огородов, Вадим Куценко, Оқгул Омонмуродова ва Иванна Исроилова номзодини кўрсатган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# БОБУРНИ ЖАҲОН ТАНИЙДИ

***Республика Олий Мажлисининг депутати Зокиржон Машрабов ўн йил аввал ташкил этилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқаро жамғармаси фаолияти ҳақида "Туркистон-пресс" мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:***

- Жамғарма саъй-ҳаракати билан Андижоннинг эски шаҳар қисмидаги Бобур уй-музейида ҳайкал ва Боғишамолдаги истироҳат боғида лавҳа ўрнатилди, - деди Зокиржон Машрабов. - У ерда шоирнинг рамзий қабри, "Бобур ва дунё маданияти" музейи, шунингдек, намозхона, осори-атиқалар савдоси шахобчалари, ошхоналар, оқсоқоллар учун чойхона ташкил этилди.

Шундан сўнг Африкадан Тинч океан қирғоқларигача бўлган ҳудудларга тўққиз марта сафарлар уюштирилди. Уларда нафақат ҳамюртимизнинг ҳаёти ва ижоди, меҳнат ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти ҳақидаги, балки Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Камолиддин Беҳзод, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний каби тарихий шахслар номи билан боғлиқ ҳужжатлар ҳам йиғилиб, Ўзбекистонга олиб келинди. Шунингдек, экспедициялар давомида ҳозирги кунда Лондонда яшаётган Бобурийлар авлодлари топилди.

Бобур музейи 400 та китоб, чет элларга уюштирилган экспедициялар давомида суратга олинган 20 та кинотасма, чоп этилган китоблар билан тўлдирилди. "Бобурнома"нинг тўлдирилган варианти, Каролда Ламбанинг "Бобур-йўлбарс", Румма Годденнинг "Гулбадан" ва бошқа бир қатор чет эл адиблари ҳамда олимларининг китоблари жамғарма кўмагида чоп этилди.

## АВТОПОЙГА АРАФАСИДА

Тошкентда шу йилнинг 19-20 октябрида бўладиган "Ҳамдўстлик кубоги – Суғдиёна –2002 – республика чемпионати" халқаро автопойгасига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Автопойга "Тошшаҳарйўловчитранс" давлат уюшмаси, "RALLI-SPORT" спорт-техника жамияти, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, Давлат спорт қўмитаси ва Миллий олимпия қўмитаси томонидан уюштирилди.

Пойгада барча русумдаги енгил спорт автомобиллари иштирок этади. У билан бир вақтнинг ўзида ҳаваскорлик мусобақаси ҳам бошланади. "Директор" деб аталмиш ушбу пойгада фирма, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари қатнашадилар.

Пойга 19 октябр куни пойтахтнинг Ҳамид Олимжон майдонида бошланади. Кейин автопойгачилар Чимёнга йўл олиб, Чорвоқ сув омбори атрофидаги тик қияликларни забт этиб, 20-октябр куни Тошкентга қайтади.

Автоспорт бу менинг ҳаётим, - деди бир неча автопойгаларнинг ғолиби Сергей Горбунов "Туркистон-пресс" мухбирига. – Агар мен автоспорт билан шуғулланмасам, унда пенсияга чиқишимга тўғри келади. Мен аввалгидек, ўзимнинг эски машинамда пойгада қатнашаман.

**«Туркистон-пресс»**

# ЯНГИ ЗИЁ МАСКАНИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллар университети қошидаги академик лицейда АҚШнинг Марказий Осиёга беғараз ёрдам ташкилоти кўмагида кутубхона ташкил этилди. Ушбу зиё масканига 27 минг 500 АҚШ доллари миқдорида бадиий ва ўқув адабиётлари ҳамда кутубхона жиҳозлари топширилди.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Университет қошидаги Акмал Икромов номли лицей 1996 йилда хорижий тилларни чуқур ўрганишга иқтисослашган лицей сифатида ташкил топган. 1999 йилда мазкур ўқув юртига академик лицей мақоми берилди. Хорижий филология йўналишида таълим берадиган ушбу лицейда 650 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичига кўра ўқув жараёнини сифатли ташкил қилиш асосий вазифа қилиб белгиланган, бу ўринда замонавий ахборот технологиялари, ўқув жиҳозлари ҳамда дастур ва қўлланмаларнинг янги авлодидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, таълим бўйича халқаро алоқалар кўламини кенгайтириш кўзда тутилаяпти.

Ўтган йили академик лицей барча қулайликларга эга янги ўқув биносига эга бўлди. Айни кунда иккита компютер синфи, интернет маркази, кимё лабораторияси ҳамда бешта лингофон синфлари ўқувчилар хизматида. Ҳозирда лицей педагог ходимлари томонидан таълим самарадорлигини ошириш ҳам халқаро алоқаларни кенгайтириш борасида изланишлар олиб боришмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

*Бу турфа олам*

## «ЧОЙНОМА» САҲИФАЛАРИДА

Олимларнинг аниқлашича, чойда инсон ҳаёти учун зарур бўлган 120 хилдан ортиқ нодир моддалар бор. Бу ҳақда қатор мақолалар ёзилган.

XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган бухоролик шоир Шоҳ Ниёз Бухорий тожик тилида «Чойнома» деган достон ҳам ёзган. Бу асар услуби жиҳатидан Умар Ҳайём ва Ҳофизларнинг шаробга бағишлаб ёзган шеърларини эслатади.

Асарда чойнинг кишига берадиган лаззатини кўтаринки руҳ билан тасвирланган. Жумладан, чой тилидан шундай дейилади:

Жон сингари, қандуноввотдан ширинман, оби ҳаётнинг сармоясиман:

Ёқимли маза, чиройли ранг ва хушбўйлик билан алҳамдулуллоҳ, дилларга равнақим фақат мулки Чинда эмас, менинг баргимдан ҳар бир мамлакат ҳам кўмкўк, ҳар ерда ҳам мени манзур тутадилар, менинг хирожимни Фарангу Русдан келтирадилар.

Китобда бунга ўхшаш чиройли таърифу ташбеҳлар кўп учрайди.

## КВАНТ ФИЗИКАСИ АСОСЧИСИ

Ҳозирги замон физикасига 1900 йил 14 декабрда Германияда асос солинган деб айтиш мумкин. Ўша куни Берлин университетининг физика институтида Макс Планк немис физика жамияти аъзоларига ўзининг янги назариясини маълум қилди.

Бу улкан кашфиёт эса мутлақо янги бир фан — квант физикаси тарихини бошлаб берди.

Планкнинг 1887 йили чоп этилган «Энергиянинг сақланиш принципи» асари Гёттинген университетининг фалсафа факультети танловида мукофот билан тақдирланди.

У 1894 йилда Пруссия фанлар академиясига ҳақиқий аъзо этиб сайланди. 1912 йилдан олим академиянинг доимий котиби сифатида 25 йил, аъзоси сифатида эса 35 йил давомида иш олиб борди.

1894 йили у Берлин физиклари ўртасида энг кўзга кўрингани, XX аср бошидан эса Германия физиклари орасида етакчи назариётчи бўлиб қолди.

**А.АЛИЕВ.**

«Бекободцементтаъмир савдо таъминоти» шўъба хўжалиги жамияти ОКОНХ 71123 **тугатилади**. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қуйидаги телефон орқали 170-49-07 қабул қилинади.

*Тадбир*

***Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш билан бирга улар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Миллий Академик драма театрида бўлиб ўтди. Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда ўтказилган.«Авлодлар учрашуви» Қарияларни қадирлаш йилига бағишланди.***

# АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Тадбирда тизимда кўп йиллардан бери самарали фаолият кўрсатиб келаётган устозлар, кексалик гаштини сураётган фахрий педагог ва мураббийлар, ёш мутахассислар иштирок этдилар. Шу куни устозлар чеҳрасидаги гулгун табассум билан байрамона безанган Миллий театримиз гўзаллиги, устозларни кутиб олаётган карнай-сурнайлар наволари ўзига хос уйғунлик касб этди.

— Ёш авлоднинг чин инсонлар бўлиб етишишлари, Ватанга садоқатли, элу юртга меҳр-оқибатли, доно, зукко, билимдон бўлиб улғайишларида ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган азиз муаллимларимиз учун шогирдлари таъзимини қабул этиш олам-олам шодлик ва юксак руҳ бағишлади, — деди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Зоиржон Қодиров. — Зеро, устозларни улуғлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш ҳар бир кишининг инсоний бурчидир.

Тадбирда эл назарига тушган, турли соҳаларда кўплаб шогирдлар етиштирган азиз ва муҳтарам устозлар саҳнага таклиф этилиб, ажойиб тажрибалари билан ўртоқлашдилар, унутилмас хотираларини эсга олдилар. Кўп йиллардан бери мураббий деган номни оқлаб келаётган инсонларга тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитасининг совға-саломлари топширилди. Тадбир қатнашчиларини ардоқли санъаткор Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаров, хизмат кўрсатган маданият ходими Ҳожиакбар Ҳамидов, истеъдодли эстрада хонандалари Илҳом Фармонов, Севара Назархон ажойиб куй ва қўшиқлари билан қутладилар.Миллий театр актёрлари ижросида «Шайтон ва фаришта» асаридан саҳна кўринишлари намойиш этилди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**ЎзКУФК матбуот котиби.**

# ИДОРА ЎРНИДА ҚИШЛОҚ-ВРАЧЛИК ПУНКТИ

Арнасой туманидаги «Туркистон» хўжалигидаги «Дўстлик» қишлоқ фуқаролик йиғини ҳудудида 920 та хўжалик бўлиб, уларда 5270 киши истиқомат қилади. Шунинг 2457 нафари хотин-қизлар, 125 нафарини қариялар, 1193 нафарини туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади.

— Қишлоқ врачлик амбулаторияси сўнгги пайтларда унчалик талабга жавоб бермай қўйганди, — дейди ҚВП мудири Фозил Жалолов. — Аҳоли сони кескин кўпайиб, амбулатория биноси ва жиҳозлари эскириб, тиббий хизмат кўрсатиш қийин бўлиб қолди. Нима қилиш керак? Янгисини қуриш бир кунлик ёки бир ойлик иш эмас. Шунда хўжалик маъмурий биносини қишлоқ врачлик пукнтига айлантиришга қарор қилинди.

Идора биноси қисқа фурсатда таъмирланиб, керакли тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ишларни бажариш учун қарийб 6 миллион сўм маблағ сарфланди. 14 та хона ташкил этилиб, беморлар аҳволини қисқа фурсатда аниқлаш имкони яратилди. Бу ерда айни пайтда 2 нафар олий тоифали ҳаким, 12 нафар ҳамшира фаолият кўрсатмоқда. Бир йўла 50 нафар беморни қабул қиладиган кундузги стационар ишлаб турибди.

Энг қувончлиси ўтган ойлар мобайнида болалар ўлими қайд этилмади. ҚВП аҳли зўр кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқда. Бунинг боиси бор, албатта. Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги арафасида Президентимиз фармони билан йигирма йилдан буён шу ерда ишлаётган доя Замира Турлибекова биринчи даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



И.ХАСАНОВ олган сурат.

*Саломатлик сабоқлари*

***Говмижжа, гомичча — қовоқ четидаги ёғ безларининг ўткир йиринглаш, яллиғланиш касаллигидир. Унда қовоқ териси ва шиллиқ қавати шишади, 3-4 кундан сўнг говмижжа учи сарғайиб йиринг боғлайди. Ёрилганда йиринг ва никрозланган тўқима бўлакчалари чиқади. Говмижжа узоқ давом этган оғир, юқумли касалликлар оқибатида организмнинг ҳимоя функцияси сусайиши, дармонсизлик, моддалар алмашувининг бузилиши, авитаминоз, камқонлик, қандли диабет каби хасталиклар туфайли бўлади.***

# ГОВМИЖЖАДАН САҚЛАНИНГ

Говмижжа баъзан қовоқнинг ички томонидан чиқади. Бу ёғ безларининг ўткир йирингли яллиғланиши бўлиб, қизарган жой эса чегараланган бўлади. Шунингдек, кўзнинг конъюктива томони оғриб туради. Дастлабки пайтда кўзга бирон нарса тушганга ўхшаб санчиб оғрийди, қизаради, қовоқ шишади, бош оғрийди. Говмижжани ситиб йирингини чиқариш асло мумкин эмас. Бундай ҳолатда инфекция атрофдаги тўқима қон томирларига тушиб, кўз флегмониясига сабаб бўлиши, кўз вена томири тиқилиб қолиши мумкин. Инфекция қон оқими билан мияга тарқалиши ва менингит, сепсис каби оғир оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Аввало говмижжа хасталигига йўлиқмаслик учун умумий ва шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш, ифлос, чанг, тутунли жойларда ишлаганда махсус ҳимоя ойнасидан фойдаланиш, организм қувватининг сусайишига сабаб бўладиган касалликларни ўз вақтида аниқлаб даволатиш лозим.

Иккинчидан, ҳар бир киши тўғри ва соғлом турмуш тарзига риоя қилиб, зарарли одатларга (алькоголизм, гиёҳвандлик) ружу қўймаслик керак. Шунингдек, говмижжа чиққан заҳоти шифокорга мурожаат этиш лозим.

Даволаш:

1. Говмижжа тезроқ пишиб етилиши учун кечқурун ухлашдан олдин ош тузи эритмасидан 3-4 соат компресс қилиш мумкин. Эритма тайёрлаш учун 1 стакан (200 г) қайнатилган илиқ сувда бир ош қошиқ ош тузи эритилади. Компресс қилишда одатда бир бўлак пергамент қоғоз ва пахта керак бўлади. Компресс оғриётган қовоққа қўйилади.

2. 10-15 дона қуритилган тирноқгул(колендула) гулини идишга солиб, устига 1 стакан (200г) қайнаб турган сув қуйиб, сочиқ билан ўраб 40 минут димлаб қўйилади. Сўнгра сузиб олиниб, говмижжага примочка (малҳам) ва компресс қилинади.

3. Қовоқ четида оғриётган қизил шиш пайдо бўла бошласа, у ерга ҳўлланган иссиқ докани ёки мойчечак дамламасидан иситувчи компресс қўйиш тавсия этилади.

4. Вақти-вақти билан говмижжага зиғир уруғи қайнатмасидан докага ҳўллаб қўйиб туриш керак.

5. Икки кўзни ҳам аччиқ чой ёки сариқ чой дамламаси билан ювиб туриш лозим.

6. Кўзга жуда иссиқ бўлмаган қайнатилган тухумни (пўчоғи ёки тозаланган билан) қўйиб туриш тавсия этилади.

7. Уч йиллик алоэ баргини кесиб олиб, ювиб, икки соатлар чамасида совитгичда сақлагандан кейин шарбатини сиқиб, ўндан бир нисбатда илиқ, қайнатилган сувда эритиб говмижжага примочка (малҳам) қўйиш тавсия этилади.

8. Дастарбош (пижма) ўтининг 4-5 та кичик қуритилган гулини қайнатиб кунига 5 марта, говмижжа тузалгунча ичиш керак.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ,**
**доцент.**

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ УЧУН

АҚШлик бир гуруҳ мутахассислар республика тезкор тиббий ёрдам марказининг Андижон бўлими ходимларига АҚШ давлат департаментининг мамлакатимизга беғараз ёрдам сифатида юборган янги ташхис ва даволаш ускуналаридан фойдаланишни ўргатмоқда.

Фарғона водийси вилоятлари даволаш муассасаларига келтирилган бундай юклар баҳоси 50 миллион долларни ташкил этади. Булар асосан тиббий ускуналар, енгил мебел ва бошқа анжомлардан иборат.

Бундан ташқари, Андижон вилоятига бешта контейнерда келтирилган ускуна ва дори-дармонлар Хўжаобод, Бўз ва Улуғнор тумани қишлоқ тиббиёт ходимларига топширилди. Ушбу ёрдам АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги томонидан молиялаштирилаётган "ЗдравПлюс" дастури доирасида амалга оширилди.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.20

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9730 Буюртма Г— 919. 1 2 3 4 5 6